

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг саҳифаси

Шаҳримизнинг барча туманларида фаолият кўрсатаётган меҳнат бўлимлари фақат ишсизларни аниқлаш, уларни касбларига қараб ишга жойлаштириш билангина эмас, балки кўп болали, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган, кекса ва ёлғиз кишиларга, жазо муддатини ўтаб қайтганлар, тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш борасида ҳам ибратли юмушларни амалга оширмоқда. Бизнинг Собир Раҳимов туман меҳнат бўлими раҳбари Даврон Эргашев билан суҳбатимиз ҳам ана шу тўғрида бўлди.

— Туманимизда 281,5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улардан меҳнатга лаёқатлиси 158.200 нафар, иш билан банд бўлмаганлари эса 5733 нафарни ташкил этади. Фуқароларимиз билан доимий равишда боғланиб турганимиз сабабли кўп муаммоларни, асосан иш билан банд этиш, қайта ўқитиш муаммоларини ҳал этишга эришяпмиз. Бизга мурожаат этган 2995 кишининг 1769 таси ишга жойлаштирилди, 1210 кишига маслаҳатлар берилди. Хар ҳафтада ишсизлик комиссияси ўтказилиб, бунинг сабаблари чуқур ўрганилади. Таҳлиллардан хулоса чиқарилиб 610 нафар кишига ишсизлик мақоми берилди.

— Айтингчи, меҳнат бўлими фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси йўлида қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Биз аҳолини иш билан таъминлабгина қолмай, уларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Туманимизда жойлашган 56 та маҳалла оқсоқоллари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиб, аҳолининг ижтимоий аҳолини ўрганамиз. Шундан кейингина уларга бериладиган моддий ёрдам, яъни нафақа пули кўп болали ва кам таъминланган оилаларга берилади. Масалан шу йили бўлимимизга 11 та фуқародан ариза тушган бўлса, уларнинг талаблари ўз вақтида қониқтирилди.

— Қўшимча ишчи ўринлари яратиш юмушларига қандай аҳамият қаратилмоқда?

— Туманимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар билан узвий боғланиб, уларнинг фаолияти ўрганилиши натижасида янги иш жойлари ташкил этилмоқда. Тумандаги 39 та корхонада 848 та махсус иш жойи ажратилган бўлиб, 140 киши ишга жойлаштирилди. 32 та шартнома-лар тузилган. Буларнинг 14 таси маҳаллалар билан, 17 таси эса ширкатлар билан, касбга ўқитиш бўйича 440 нафар фуқаро ўқитилди.

Тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш бўйича уч марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Ўзгаришлар билан мактаб ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказилди. Бўлим томонидан 162 та ўзгариш билан иш билан таъминланди, 47 таси эса касб курсларида ўқитилди. Туманимизда 721 та фуқаро амнистия бўйича жазо муддатини ўтаб келган. Шулардан меҳнат бўлимига 715 таси мурожаат қилди ва 105 таси ишга жойлаштирилди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Пенсиялар қачон ва қандай ҳолатларда қайта ҳисоблаб чиқилади? Илтимос, шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Шаҳноза ҚОДИРОВА,
Шайхонтоҳур тумани.

Пенсияларни қайта ҳисоблаш: пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинланганигача бўлган иш стаж ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳама бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда;

ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сонини ўзгарганда;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;

минтақавий коэффициент белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори ўзгарган ҳолатда;

даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилди.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин.

(Ўз мухбиримиз).

Ҳамжиҳатликда унум бўлади

ди, 272 киши эса мустақил ишга жойлашди. Яна туманимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, халқ хунарамандчилиги, «Усто-шогирд» услуби асосида иш кўриш ҳам кенг ташкил этилмоқда. Йил бошидан бери ана шундай йўналишларда ҳамда айрим корхоналарда қўшимча цехларнинг очилиши эвазига янги иш ўринлари юзага келмоқда. Ҳозирги кунда туманимиздаги корхона ва ташкилотларда 111 та махсус иш ўринлари мавжуд. Айни вақтда бу янги жойлар учун керакли мутахассислар қўшимча таълим олиш мақсадида ўқув марказимизда билим олишмоқда. Бу ердаги ўқиш бепул ва ўқитган шахснинг ёшидан қатъи назар стипендия ҳам тўланади.

— Айни вақтда меҳнат бўлими билан ватан ичра кичик ватан саналмиш маҳалла ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилса фаолиятингиз янада самарали кечади...

— Тўғри, шундай бўлиши лозим. Чунки маҳалла оқсоқоллари шу ерда яшаётган хар бир фуқарони яхши биладилар. Нега ишланмапти, ёки ўқимаяпти, бекорчиликнинг сабаби нима — ҳаммасидан хабардор бўладилар. Шу боисдан ҳам маҳаллалар билан ишлаш бўлими ва унинг нозирлари мавжуд 56 та маҳаллага бириктирилган. Улар уларига бириктирилган маҳалланинг каттаю-кичиги билан батафсил суҳбатлашадилар. Туман корхоналаридаги бўш иш ўринлари ҳақида маълумотлар, иш ахтариб юрган ёш йигит-қизларга маслаҳатлар берадилар. Хохлашса ишга ёки ўқишга шу ернинг ўзида йўлланма берадилар.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинган экан биз ҳам ўз фаолиятимизда кекса, ёрдамга муҳтож қарияларимизга имкон қадар ёрдам бериш, уларнинг оғирини енгил қилиш бўйича режамизни тўзиб қўйганимиз ва шунга мувофиқ иш олиб бораёلمиз.

Дарҳақиқат, туман меҳнат бўлими ходимлари ва маҳаллаларга бириктирилган нозирлар ҳаммиса одамлар орасида бўлиб, иш билан банд бўлиш, қайта ўқиш, қўшимча касб-хунарга ўрганиш, ижтимоий ҳимоя масалалари, турли бошқа нафақа пуллари олиш борасидаги маслаҳатларини берадилар, оила мустаҳкамлиги учун жон куйдирадилар. Аҳоли билан ҳамжиҳатликда олиб бориладиган ишлар эса албатта унумли бўлади.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.



СУРАТДА: Яккасарой тумани меҳнат бўлимида бир неча йиллардан бунён самарали фаолият юритиб келадиган Гўзал Насриддинова ҳамда Барно Рихсиевалар ёшларни ўз касблари бўйича ишга жойлаштиришда ўз хизматларини аямай келишмоқда.

ТАДҚИКОТ

Техника ижодкорлиги самараси

Тепловоз цехи ҳақида гап борганда уни «Ўзтемирйўл» таъмирлаш корхонасининг юраги дейишди. Чиндан ҳам бу цехда локомотивларни тўб таъмирлаш ишлари аъло даражада амалга оширилмоқда. Цехга малакали мутахассис Бахтиёр Бойманов бошлиқ бўлиб келгандан кейин ишлар янада юришиб кетди. Тўб таъмирлаш ишлари замонавий узел ва эҳтиёт қисмлар воситасида олиб борила бошланди.

Бу ерда рационализатор ва иxtирочилик ҳаракати кенг йўлга қўйилганлиги ҳам муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Кейинги йилларда қатор техника янгилликлари юзага келганлигини айтиб ўтиш жоиздир. Мисол учун тепловоз машинисти кабинасини иситиш тизими билан боғлиқ техник изланишни олиб кўрайлик. Гап шундаки, ана шу тизимни такомиллаштириш мақсадида кабинага калорифер деб номланган секцияни ўрнатиш зарурияти туғилди. Ваҳоланки, бу секция учун қимматли рангли металллар ишлатилади.

Масаланинг муҳимлиги инobatда олиниб, техникавий изланишга қўл урилди. Цехнинг тажрибали технологи Денис Дмитренко билан конструктор Владимир Зиковлар техника ижодкорлиги билан жиддий шуғулланилди. Натижада тепловоз совитчилик секциясини калорифер секцияси усулида ишлатишга эришилди.

Бу янгиллик тажриба-синовидан яхши ўтди. Уни ишга солишга катта усталардан Раҳим Йўлдошев, Виктор Писевлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Акбар АЛИЕВ

ТАДБИРЛАР

Кексалар эъзозланди

Давримизнинг энг фаол аъзолари ҳисобланмиш ёшларнинг «Қамолот» ижтимоий ҳаракати томонидан қатор хайрли ташаббусларга қўл урилмоқда. Жумладан, Яккасарой туманида жойлашган 91-мактабда ташкил этилган «Саховат» деб номланган меҳр-шафқат клубининг иш бошлари ҳам мана шундай ташаббусларнинг берибди.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилиниши ва кекса авлоднинг ижтимоий ҳимоялашда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида ташкил этилган меҳр-шафқат клуби ўз фаолиятини тумандаги Юнус Ражабали номли маҳалла оқсоқоллари, кекса отахон-онахонларини, нуроний қарияларни байрам дастурхонига таклиф этиш билан бошлади. Эрта тондан 91-мактабда янграган қарнай-сурнай садолари барчани байрам тадбирига чорлади. 26 нафар нуронийлар бахорий таомлар билан безатилган дастурхон атрофида қадр ва эъзоз топганлари, шундай дорилмомон кўнларга етказганига шукроналар айтиб, юртимизга тинчлик, омонлик, кут-барака тилаб дуои фотиҳага қўл очдилар. 10 нафар ёлғиз, касалманд, уруш ва меҳнат фахрийларининг уйларига бориб ҳолларидан хабар олindi, ҳомий корхона ва ташкилотларнинг совға-саломлари топширилди.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман бўлими Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Саховат» деб номланган меҳр-шафқат клуби шаҳримизнинг бошқа мактабларида ҳам ташкил топилгани, хайрли ташаббуснинг қанот ёйишини тилаб қоламиз. Ахир ташаббуснинг қаноти бўлади деб бежиз айтилмаган.

(Ўз мухбиримиз)



Юнусобод тумани Шахристон қўчасидаги бир-биридан шинам турар жой биноларининг тез орада қад ростлашида 3-қурилиш бошқармаси бунёдкорларининг хизматлари бениҳоя катта бўлмоқда.

СУРАТДА: ишбоши Шухрат Мирзаев ва бригада бошлиғи Мейронбой Норбоевлар на-вбатдаги юмушларни режалаш олишмоқда.

✓ БАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

Баҳорги чақирикқа — уюшқоқлик билан

Айни кунларда мамлакатимиздаги ёшларни Ватан олдидаги ўз бурчларини ўташ учун баҳорги чақирикқа тайёрлаш ишлари қизгин бормоқда.

Шаҳримиздаги барча муҳофаа ишлари бошқарма ва бўлимларида бу муҳим тадбирга катта ҳозирлик кўришмоқда. Жумладан, Миробод тумани муҳофаа ишлари бўлимида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

«Ўзбекистон Республикасининг умум-ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига асосан шу кунларда 1985 йилда тузилган ўсмирларни чақирик участкаларида қайд қилиш ишлари самарали олиб боришмоқда, — дейди Миробод тумани муҳофаа ишлари бўлими бошлиғи Хусан Зуфаров. — Чақирик участкаларида ўсмирларни қайд қилиш мақсадида уларни рўйхатга олиш, ҳарбий хизматга яроқли эканлигини аниқлаш, умумтаълим савиясини билиш, эгаллаган ихтисоси ва жисмоний тайёргарлигини назоратдан ўтказиш юмушлари амалга оширилмоқда.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда уларни рўйхатга олиш муҳим аҳамиятга эга.

Рўйхатга олиш давомида бевосита ўсмирларнинг оилавий шароити билан танишиб, улар билан ҳам суҳбат ўтказилади. Ҳозирги кунда рўйхатдан ўтиши лозим бўлган ўсмир ёшлардан кўпчилиги қайд этиб бўлинди. Мақсадимиз, ҳарбий хизматга қақирлиқчиларнинг аввало соғлигини аниқлаш, уларга ҳарбий ўқув юртыларига ёки тайёрлов курсларига йўлланмалар бериш ҳамда ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашдан иборатдир. Ҳозир махсус тартибли бўлинмаларга ўсмир ёшлар танлаб олинмоқда. Айни пайтда ёшларни ҳарбий хизматга қизиқтириш ишлари маҳалла ва мактабларда самарали олиб боришмоқда.

Албатта ҳарбий хизматга оилавий шароитларини инobatда олган ҳолда саломатлиги мустаҳкам йигитлар биринчи навбатда қақир-лади. Йигитларимиз қанчалик соғлом, доврак бўлса, она Ватанимиз оқойишталлиги, фаровонлиги ҳам шунчалар барқарор бўлади. (Ўз мухбиримиз)

✓ ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Талабаларга касаба уюшма стипендияси

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши истеъдодли талабаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида хайрли ишларга қўл урмоқда.

Кенгашнинг 1998 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган V пленумида пойтахтимиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртыларида малакали мутахассислар тайёрлаш ва касаба уюшма фаолиятига ёшларни кенгрок жалб этиш мақсадида 1999 йилдан эътиборан 10 та стипендия таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Кўни кеча 2001-2002 ўқув йилининг қишки сессияси якунлари бўйича ушбу стипендияга муносиб топилган 10 та талабага «Шаҳар касаба уюшмалари сти-

пендианти» гувоҳномалари топширилди. Шаҳримиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртыларида энг фаоли деб топилган 10 та талаба эндиликда олти ой мобайнида пойтахт касаба уюшмалари Кенгаши стипендиясини оладилар.

Гувоҳномаларни Кенгаш раиси Мирзохид Содиков талабаларга тантанали суратда топширар экан талабаларнинг ўқиш ва ишларида омадлар тилади.

Талабалар номидан Ўзбекистон Давлат консервато-

риясининг 3-курс талабаси Феруза Хайдарова, Тошкент Ислам университети 2-курс талабаси Азиз Убайдуллаевлар сўзга чиқиб, айни Наврўз айёмида шундай ишончга лойиқ топилганлар уларга янада қувонч бағишлагани, ўзларининг ишдаги ва ўқишдаги ютуқлари билан ушбу номга лойиқ бўлишга интилишлари айтиб, ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: «Шаҳар касаба уюшмалари стипендианти» гувоҳномаларини топшириш вақти.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



Дастурий-алгоритмик воситалар

Газни қайта ишлаш корхоналарида технологик жараёнларни бошқаришнинг дастурий-алгоритмик воситаларини ишлаб чиқиш борасида кенг қўламли илмий-амалий ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Алгоритм-инжиниринг» институти олимларининг изланишлари тўғрисида қўлга киритилган ютуқлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

Республика Давлат илмий-техника дастури доирасида бажарилаётган тадқиқотларда экологик мониторинг натижалари ҳам ҳисобга олинди. Бу эса бошқаришнинг дастурий-алгоритмик воситаларини ишлаб чиқиш учун кенг йўл очиб берди.

Ҳозир институт амалга оширилаётган ушбу мавзу бўйича республикамиздаги газни қайта ишлаш билан

шуғулланаётган қатор йирик корхоналар билан ҳамкорлик шартномаларини тузган. Буюртма ишларини шу йилнинг охиригача тўла амалга ошириш кўзда тутилди.

Илмий муассаса изланишлари натижаси ўлароқ газни қайта ишлаш корхоналари бошқаришнинг дастурий-алгоритмик воситаларига эга бўладилар.

(Ўз мухбиримиз)

ЯНГИЛИК ДЕБ ТОПИЛДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар муҳим илмий янгиллик сифатида амалиётга таътиб этилмоқда. Бундай самарали изланишларнинг бир нечаси эса энг

яхши янгиллик деб топилиб, патент ва лицензияларга сазовор бўлди.

«Юз териси учун лосьон» деб номланган янгиллик учун патент олинди. Шунингдек, «Юз териси учун крем» деган изланиш ҳам патент билан тақдирланди ҳамда буюртма-

чиларга етказиб берилди.

Бундан ташқари «Ўзанинг шўрга чидамлилиги даражасини ошириш усули» ҳамда «ЛСХ-1 гепатитини даволаш воситаси» деган препаратларни яратиш усулида самарали изланишлар олиб борилди. Улар натижа-

лари ҳам муҳим янгиллик сифатида баҳоланди.

Бу илмий янгилликлар республика давлат патент идораси томонидан рўйхатга олинди, энг яхши янгиллик янгли амалиётга таътиб қилиш учун тавсия этилди.

(Ўз мухбиримиз)

Фахрийлар — фаҳримиз

ЭЪЗОЗ

Шайхонтоҳур туманидаги Мақсуд Шайхзода номли 167-мактабда яқинда ўқитувчилар ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди. Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирга маъруз билим даргоҳида кўп йиллар ёш авлодга таълим берган, ҳозирда қариллиқ гаштини сураётган 30 нафар фахрий ўқитувчилар таъриф буюриши. Шуниси қувончлики, бир пайла бу устода ўқувчилар билан устозлар иштирокида бўлиб ўтган бу тадбир давра

суҳбати тусини олди. Устозларнинг ёшлар билан ўтказган мулоқоти эса келажагимиз ворислари учун ҳаёт мактаби вазифасини ўташи табиий. Ушбу мулоқотнинг ўзига хос аҳамияти шундаки, ўқувчилар тайёрлаган концерт дастури кеча файвига файз қўшди. Айниқса туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлими томонидан фахрийларга инъом этилган Фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари йигин катнашчилари кўнглини хушнуд этди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

